

# **Республикамизда тадбиркорлик соҳасида мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича янги Фармон қабул қилинди.**



Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва кафолатларини яратиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигини та’минлаш ва иқтисдиётни ривожланишида тутган ўрни ва аҳамияти жуда муҳимдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги “Тадбиркорлик соҳасида мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензия ва рухсат бериш тартиб таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-8-сонли Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон қабул қилингандан сўнг тадбиркорлик соҳасида 2024 йил 1 марта бошлаб 16 та лицензия ва рухсатномалар бекор қилинмоқда.

Мазкур Фармон асосида 7 турдаги (ер қа’ри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини (тўлиқ ёки қисман) бошқа шахсга бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор, суғурталовчининг огоҳлантириш тадбирлари захирасидан молиялаштириладиган огоҳлантириш тадбирлари руйхатини келишиб олиш, божхона ташувчиларининг реестрига киритиш, тураржойни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрига киритиш, автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома, офтальмология тиббий буюмларининг чакана реализацияси (оптика) бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик тўғрисида хабарнома, маданий бойликларни

реализация қилиш бўйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома) рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар ва рухсатномалар бекор қилинмоқда.

Бундан ташқари, 6 турдаги рухсат берувчи хужжатлар бирлаштириш йўли билан бекор қилинаётган бўлса, З та (туристик фаолиятни амалга ошириш учун лицензия (турагентлик фаолияти) (“Умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти бундан мустасно”), архитектура-шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши фаолияти учун лицензия (об’ектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича 1 тоифага мансуб лойиҳалар), юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрига киритиш тўғрисида ариза) лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга хужжатлар хабардор қилиш тартибига ўтказилмоқда.

Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун юридик шахсларга қўлланилган жарима суммаси миқдорининг 50 фоизи ўн беш кун ичida, 70 фоизи ўттиз кун ичida ихтиёрий равишда тўланганда, ҳуқуқбузар жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод этилиши, лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш жараёнида видео алоқа воситалари ёрдамида талабгорларнинг лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб ва шартларига мувофиқлигини масофадан туриб баҳолаш тартиби жорий этилиши, тадбиркорлик суб’ектини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишда унинг почта манзили сифатида муассиснинг турар жойини кўрсатишга рухсат берилиши белгиланди.

Шунингдек, тадбиркорлик суб’ектларидан 2024 йилнинг 1-мартидан бошлаб туроператорлар учун фавқулодда ҳолатлар юзага келганда хавфни мажбурий суғурта қилиш тартибини жорий қилиш орқали «чиқиши туризми» йўналиши бўйича туризм фаолиятини амалга ошириш учун 15 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни Хавфсиз туризм жамғармасига заҳира қилиб қўйиш, туристик хизматларни сертификатлаштиришда жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляж хизматларини сертификатлаштириш учун аризага кўчмас мулкка доир ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни илова қилиш, юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш жойларини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгилаш, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолияти фақат сайёр шаклда амалга оширилганда мулкий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида биноларнинг мавжуд бўлиши ҳақидаги тартиб ва талаблар бекор қилинди.

Олтинсой тумани адлия бўлими

ДХМ бўлим бошлиғи

И.Ибрагимов

Бош мутахассиси

Ж.Маматқулов